# ЖАМОА – ТАРБИЯ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

**Акрамова Дилдора Эргашевна**
Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таьлим педагогикаси ва психологияси кафедраси ўқитувчиси

**Бозорбоева Дилноза Алижон қизи**
Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таьлим йўналиши талабаси

**Аннотация:** Жамоа – юқори даражада уюштирилган гуруҳ. Ўқувчилар жамоаси – юқори даражада уюшган бирлашма ҳисобланади. Жамоа ўзига хос белгиларга эга бўлади.

**Калит сўзлар:** Тарбия, таълим тизими, педагог, педагогик фаолият, вазифалар, фаолият.

## COMMUNITY AS AN OBJECT AND SUBJECT OF EDUCATION

**Abstract:** A team is a highly organized group. Student community is a highly organized association. The team will have its own characteristics.

**Key words:** Education, educational system, pedagogue, pedagogical activity, tasks, activity.

Жамоа (лотинча “коллективус” – омма, биргаликдаги мажлис, бирлашма, гуруҳ) – бир неча аъзо, яъни кишидан иборат бўлган, ижтимоий аҳамиятга эга умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ. Замонавий талқинда “жамоа” тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, жамоа – бир қанча кишининг муайян мақсад йўлида бирлашувидан иборат ташкилий гуруҳ (масалан, ишлаб чиқариш жамоаси, завод жамоаси, ўқув юрти жамоаси, хўжалик

жамоаси ва ш.к.). Иккинчидан, жамоа – юқори даражада уюштирилган гуруҳ. Ўқувчилар жамоаси – юқори даражада уюшган бирлашма ҳисобланади. Жамоа ўзига хос белгиларга эга бўлади.

**Жамоадаги тарбиявий ишларнинг ўзига хос хусусиятлари:**

Жамоадаги тарбиявий ишлар:

1) ишларнинг дастлабки ҳолатини таҳлил қилиш;

2) ишларни режалаштириш:

а) мақсадларни аниқ ифодалаш;

б) рўйхат бўйича қилинадиган ишлар ҳолати;

3) фаолиятни ташкил қилиш;

а) масъулиятли шахсларни танлаш;

б) уларга кўрсатмалар бериш;

в) жой-жойига қўйиш;

4) мақсадлар, режалар ва ташкил этишга тузатишлар киритиш;

5) назорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат;

6) натижаларни таҳлил қилиш, хулосалар.

Жамоадаги тарбиявий ишларнинг табиати унинг турига ва тузилмасига боғлиқ.

Тарбиявий ишлар олиб бориладиган жамоанинг турини аниқлаш тарбиявий ишларнинг мақсади ва вазифаларини аниқлашда, уларнинг шакллари ва методларини танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан жамоада боланинг ижтимоий эҳтиёжлари шакллантирилади ва амалга оширилади. Бунинг учун жамоанинг ривожланиш босқичларини билиш талаб этилади.

**Жамоада ва жамоа ёрдамида тарбиялаш** – тарбия тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойиллардан биридир. Шахсни шакллантиришда жамоанинг етакчи ўрин тутиши ҳақидаги фикрлар педагогика фани ривожининг илк даврларида қайд этилган. Жамоада унинг аъзолари ўртасидаги муносабатнинг алоҳида шакли юзага келади, бу эса шахснинг жамоа билан

биргаликда ривожланишини таъминлайди. Лекин ҳар қандай гуруҳни ҳам жамоа деб бўлмайди. Жамоа бир қатор белгиларга эгаки, мазкур белгилар жамоани кишиларнинг етарли даражада уюшган ҳар қандай гуруҳидан ажратиб туради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1.Жуманова Ф., Авазова С., Жобборова Г., Хуснетдинов У.  Умумий педагогика асослари. Ўқув-услубий қўлланма. –  Тошкент, “Ishonchli hamkor”, 2020. - 580 б.

2.Akramova, D. (2022). BO‘LAJAK PEDAGOG-PSIXOLOGLARNING MAKTABGACHA TA’LIM TIZIMIDAGI FAOLIYATI. Science and innovation, 1(B8), 322-326.

3.Akramova, D. (2022). Oliy ta’lim muassalari talabalarida pedagogik-psixologik moslashuvchanlikni mazmun mohiyati. Science and innovation, 1(B8), 2150-2153.

4.Ergashevna, A. D. (2023). TALABALARDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK MOSLASHUVCHANLIK MEHANIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH TEHNOLOGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH BUGUNGI MUOMMO SIFATIDA. PEDAGOGS jurnali, 26(1), 13-17.